



ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЭКАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниш!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Советива Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

29 март 1972 йил, чоршанба + № 74 (15.245). + Баҳоси 2 тийна.

ДЕХҚОН БАҲОРИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистонда беш йилликнинг иккинчи босқичи — 1972 йилда пахтакорларимиз давлат аҳамиятига эга бўлган гоёт муҳим сиёсий вазифани ҳал қилишлари, она-Ватанга 4,5 миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришлари керак. Механизаторларимиз 2 миллион тонна пахта машиналарда териб беришлари, 530 минг гектар майдоннинг ҳосилини кўл кучи ишлатмай саранжом-сариништа лашлари лозим.

Техника воситалари етарли. Малакали механизатор кадрлар бор. Минерал ўғит ҳар йилгидан кўп олинди, маҳаллий ўғит тўплашда муайян муваффақиятга эришилди. Экин ерларининг катта қисми кузда шугорлаб қўйилди. Шўр ювмиш, яхш бериш, ирригация-мелиорация тармоқларини тартибга келтиришда анча ишлар қилинди. Лекин қишнинг узоқ ва қаттиқ келиши, ёнгичликнинг кўп бўлиши деҳқонларимизни анча ташвишга солимоқда, чигит ва бошда экинларини қисқа фурсатда сифатли қилиб экиш учун қўшимча чоралар кўришга ундамоқда.

Баҳор ўтган йилдигидан анча кечинди. Бунинг устига, ҳаво иссиқлиги, туپроқдан ҳарорат кўтарилиши, ундай шароитда деҳқонларимиз гоёт тадбиркор бўлишлари, табиғий фурсатнинг ҳар дақиқасидан омилдорлик билан фойдаланишлари талаб этилади. Афсуски, кўпгина тайёрлаган ишларимиз ҳозирги талаблар даражасида эмас. Сурхондарё, Самарқанд областлари, Қорақалпоғистон автоном республикасининг дачинаи колхозлари ва совхозлари, да техника ремонтни тўла тугалланган эмас. Ўтган йили пахта тайёрлаш планини амалга олмаган баъзи районлар, жумладан Қўғон, Шахрисабз районлари, ўнлаб хўжалиқларда университетлар, селяналар, бора ва чизеллар шай ҳолга келтирилмаган.

Республикамиз бўйича ҳали ярим миллион гектарга яқин ер шугорланмаган, талайгина майдонларнинг шўри ювилмаган. Хоразм ва Бухоро областларининг пахтакорлари шўр ювишни сифатли қилиб ўтказмай туриб, юқори ҳосил еттиштириш ниятини эмас, лекин яхши билидилар. Лекин шу вақтгача шўр ювмиш тугалланмаган.

Ўтган йилнинг шу даврида қилинган ишларга назар ташлайлик. Жанубий областларимизда саралаб чигит экила бошлаган, кўп хўжалиқларда дон-дучкалик экинлар экиб бўлинган, сабзавот-қорлар эртаги сабзавот ниҳолларини ўтказган эди. Бу йилчи Тўлқоқ етиштирилган баҳона билан ҳатто жанубий областлар ҳам баҳорги ва эртаги сабзавот экинлари экишга қизиб келишганлар йўли. Ерларини чигит экишга тайёрлаш кечиктириб юборилди. Уруғини чигит ташини, саралаш меъёрига етказилган эмас. Тракторлар, селлалар тўла тахт этилмаган, карталарга қайси схема бўйича чигит экишни тўла аниқлаб олинмаган, йўллар, кўприклар тўзатилмаган. Маю шундай ташкилий ишлар шу кунларда тўла меъёрига етказилмас, қачон етказилади? Колхозлар, совхозлар, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг маҳаллий органилари раҳбарлари эртаги экинлар экишни шу кунларда қизитиб юбормасалар, ерларини чигит экишга тайёрлашни шу дамларда ташкилламасалар қачон ташкиллайдилар? Улар бу борада йўл қўйилган қамчиликларини тезкорлик билан тугатиш чораларини кўришлари керак.

Деҳқонларимиз, хусусан механизаторларимиз фурсат гоёт тн. йилгидан хисобга олишлари зарур, 4 миллион 500 минг тонна пахтанинг тақдирини кўп ниҳаддан ва асосан уларнинг шу кунларда жонбозлиги кўрсатиб меҳнат қилишларига, бой беришга вақтининг ўрнини тадбиркорлиги билан қоплашларига боғлиқ. Қўшимча экинлар экишни ҳамма жойда ташкилий ниҳаддан ушшоқлик билан бошлаш, бир кунда уч-тўрт кунлик дала ишларини бажаришга эришиш керак. Ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригада кўнма, ги экин ишларини тезкорлик билан сифатли қилиб ўтказиш юза-сидан аниқ планга эга бўлимоқ, унинг муттасили ошириб бажарилишини ташкилламоғи зарур. Тракторлар, университетлар ва бошқа механизаторларнинг иш умумини оширишга қаратилган графикалар тўлиқлиги мақсадга мувофиқдир. Тракторлар ва агрегатлар муттасили икки сменада ишлатилиши, ҳар бир машина кунига қандайдисан уч-тўрт машинанинг иш иш бажарсин. Шундангина кўнма беришга фурсатининг ўрнини қоплашга эришамиз. Бунинг учун механизаторларимиз бир ғайратга ўн ғайрат қўлиб ишлашлари, дала фар-диячилари деган шарафли номин шундай долзарб кунларда ҳалол меҳнат билан оқлашлари керак.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари оммавий равишда далага чиқишлари, экинни тез ва соҳ ўтказишга ҳар қачонгидан улканроқ хисса қўишлари лозим. Хўжалиқларнинг раҳбарлари меҳнатнашларининг умумий ишлашлари, кунлиги тоширишлари икки-уч бара-бар ортиси билан бажаришлари учун тегишли шарт-шароитларини яратиб беришлари даркор.

Партия ташкилотлари меҳнатнашларнинг куч-ғайратини шу мақсадга сафарбар этишлари, йўл қўйилган қамчиликларини омилдор-ли билан тугатишга бош-қош қилишлари керак. Бутун резервлар ишга солиниши, ўтган йилда ишлатилмаган техника воситаларини сафга қайтарилиши ва ишга туширилиши лозим. Меҳнатнашлар орасида социалистик мусобақани кучайтириш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорлари ва республика қишлоқ хўжалиги илгорида кўрилувчида қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ҳар бир қишлоқ аҳлининг ҳисса сингирилиши, уларда бу мажбуриятларини бажаришга ҳисса қўиш масъулияти оширилиши керак.

1972 йил — юбилей йили, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланадиган кутлуғ йилдир. Она-Ватанга 4 миллион 500 минг тонна пахта етказиб бериш юбилейга муносиб совғамиз бўлади. Бунинг учун мўл ҳосилга ҳозирдан пухта замин яратишимиз керак. Партия, халқимиз биздан шунини кутяпти.

ҚАРДОШЛАРЧА САМИЙ ВАЗИЯТДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 27 март кун Кремлда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзо-си, Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг расми Е. Фок шарафига эътифат берди.

Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукумати раисининг ўринбосари П. Байи, ВХР ҳукумати бош-

лигига ҳамроҳ бўлиб келган бош-ча давлат аъзолари, шунингден Венгрия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Д. Рапан эътифатда. Е. Фок билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, Н. Ф. Натусев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, М. А. Лесечко,

Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, СССР Министрлари А. А. Громинин, Л. А. Костанов, Н. С. Патоличев, В. Д. Шашин ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Эътифат вақтида А. Н. Косигин билан Е. Фок қадақ кўтариб, дўстона тиланлар билдиришди.

Эътифат қардошларча самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ТЕХНИКАНИ ШАЙЛАНГ!

Ўзбекистон ССР областларида қишлоқ хўжалиги тех-никасининг мавсумга тайёриги ҳақида 1972 йил 25 мартга бўлган


МАЪЛУМОТ

(Мавжуд техникага нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—ҳайдон тракторлари, учинчи стун—чоғи тракторлари, ўртин-чи стун—трактор селлалари, бешинчи стун—кушти-ваторлар, олтинчи стун—насос-куч агрегатлари

Тошкент 93,2 93,9 97,9 72,7 46,3

Сирдарё	91,7	90,3	88,0	71,8	44,4
Фарғона	90,7	80,4	91,8	44,7	73,2
Наманган	93,7	94,5	97,2	79,5	77,6
Андижон	95,3	98,4	99,9	89,5	79,8
Самарқанд	88,1	95,3	93,3	72,3	49,8
Бухоро	86,2	91,1	98,0	51,3	67,5
Қашқадарё	83,2	89,4	88,2	86,5	52,5
Сурхондарё	90,0	92,0	92,7	79,8	82,6
Хоразм	82,0	85,7	88,6	14,3	94,9
ҚАССР	80,2	78,6	75,5	15,0	77,5
Республика бўйича:	88,5	91,4	92,6	63,1	70,8

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ



Наманган области. Тўрақўрғон ва Чуст районлари Фарғона водийси-да биринчи бўлиб яхши ишланган ерларга чигит экишни бошлаб юбор-дилар. Суратларда: 1. Тўрақўрғон районидagi «Москва» колхозига чигит экиш пайти. 2. Шу райондаги мазкур колхознинг селлачиси В. Ҳакимов билан тракторчи А. Тоштемуров барана уруғини сифатли экишмоқда.

Е. КОРНИЕНКО фотолари, (ЎзТАГ).

КУЗГИ ЭКИНЗОРЛАР ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚДА

«АН-2» самолётининг командирини ўқувчи М. Мирҳайдаров ўз само-лётини Ўзбекистон экинзорлари узра биринчи бўлиб учирди. Бу машина экипажини Сирдарё обла-стида «Ударник» совхозини дала-ридаги кузги бугдойни озикланти-риш бошлади.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасида ЎзТАГ мухбири Е. Ефимовга қўйидагиларни маълум қилишди:

— «Ҳаво агрономлари» март ойида республика колхоз ва сов-хозларида тузилган шартномалар-га мувофиқ, 155 минг гектар май-дондаги кузги экинларини озикла-нтирадилар. Азотли ва фосфорли ўғит сепадиган аппаратлар билан ускулланган «АН-2» самолётлари ҳозирок Сирдарё областидagi Зомин ва Жиззах районларининг дала эроздорларига учиб кетди. Қишлоқ хўжалиги авиациясининг самолётлари Галларопол ва Қарши даштларида ҳамда бошқа зона-ларда кўп иш қилиш керак.

Экинларини озиклантириш учун қулай пайт таяна олди. Қор эриб қолди, сув эса ўқтин ювиб кета олайди. Лекин озуқа мо-даларини аста-секин эритиб, куз-ги бугдойнинг илдиздан баҳра-олиши учун ерда нам етарилди.

Самолётлар экинларини озикла-нтирдигандан кейин далапарини қи-лоқ хўжалиги ўсимликларининг зар-аркумандларидан тозалаш учун ҳаводан профилактика ишларини бошлаб юбордилар.

Иш жуда қисталган бўлади. Ил-

гор экипажлар бир кунда тўрт юз гектаргача майдонни ишлаш мажбуриятини олдлар. Бунинг маъноси шунки, «АН-2» самолётла-ри 40 тоннагача минерал ўғит олиб, далапарга сочиш лозим. Бу самолётлар ҳар суткада ўнлаб марта парвоз қилиб, дала эро-дорларига қўйиш керак. Бунда кўп нарса ишнинг ташкил қилини-шига, ўғитнинг ўз вақтида ташиб келтирилишига, ўғит билан таъ-минлаш ишларининг механизат-циялаштирилишига боғлиқ.

Айни вақтда самолётлар пахта далапарини ўқитлашга ҳам ки-ришди. Чигит экиш олдидан ерга минерал ўғит солиш юзасидан асосда шу кунларда Сурхондарё областининг Гагарин районидagi олтинчи совхозда ва Шеробод районидagi Абдулла Набиев ном-ли совхозда иш олиб боришмоқ-да. Бу йилги кўнма шартоти бу-тун ҳаво техникасини дони экин-ларини ва пахта майдонларини парвариш этишга бирданга жалб қилиш имконини бермади. Лекин экипажлар об-ҳавонинг яхшилани-шини кўтиб ўтирмадилар. Ўнлаб самолётлар Ўзбекистондан дўст-лик маршурти бўйича иш шоши-лиш жойларга йўналди.

«Қаноти агрономлар» Ўзбеки-стон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилар-ига пахта, дон, шол, каноп ва бошқа экин маҳсулотлари етиш-тириш юзасидан ўз мажбуриятла-рини муваффақиятли бажаришлар-ига ердан берадилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 мартда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев дўстона визит билан Москвада меҳмон бўлиб турган Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси-нинг аъзоси, Венгрия револю-цион ишчи-деҳқон ҳукумати-нинг раиси Ўртоқ Ене Фокни қабул қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Ўртоқ Е. Фок ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Шу йилнинг февралда ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секре-тари Ўртоқ Я. Кадар Москвага

келган чоғида эришилган кели-шув руҳида ўтган шу суҳбат чоғида Совет—Венгрия иқтисод-ий ҳамкорлигини янада ри-вожлантириш ва чуқурлашти-риш масалалари муҳокама қи-линди.

Суҳбатда ташки сийosat ва халқаро аҳволнинг актуал про-блемалари юзасидан ҳам фикр-лашиб олинди.

Учрашув икки партия ва икки мамлакат ўртасидаги му-носабатлар учун характерли тўла ҳамжиҳатлик ва қардош-ларча дўстлик вазиятида ўтди.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД. («Совет Уз-бекистони» мухбири). Бу ерда область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети VI пленуми-нинг якунилари ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида надр-лар билан ишлагани янада та-комиллаштириш юзасидан об-ласть партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда область партия ком-тетининг биринчи секретари

С. Усмоновнинг доклади тинг-ланди.

Пленум ишида КПСС Мар-казий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекис-тон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секре-тари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов қат-нашди ва нутқ сўзлади.

Область партия комитети-нинг пленуми муҳокама қилин-ган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, баҳор кечикиб кет-ди. Илғор хўжаликлар ҳа-вонини қулай фурсатидан фойдаланиб, экин ишларини бошлаб юбордилар. Шай бў-либ туриб, имкони бўлди де-гунча, экинга киришайлик, чигитни яхши тайёрланган ерларга вақтида, сифатли экиб олайлик!

БАРАКА УРУҒИ

ТЕРМИЗ. [ЎзТАГ мухбири]. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олш учун қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг республика мусобақасини бошлаб берган ташаббускор Жар-қўрғон районининг деҳқонлари айрим ерларга чигит экишга кириш-дилар. «Социализм» колхозидagi Темир Норулло, Бекмурод Чо-рнев ва қўшни «Коммунизм» колхозидagi Эргаш Бозоров сингари механизаторлар ўз агрегатларини биринчи бўлиб далага олиб чи-қишди. Улар яхши ишланган ва ўқитилган ерларга чигит экишмоқда.

Сурхон водийсидagi хўжалиқларнинг ҳаммаси кўнмаги экинга шайлашиб турибди. Бу йил бу водийда 125 минг гектар ерга чигит экиш планлаштириб қўйилган. Шу ерларнинг учдан бир қисминдан кўпроғига илгичча толали пахта навлари, шу жумладан анипта чи-дамли «С-6030» нави экилади.

САБЗАВОТ, КАРТОШКА, БЕДА ЭКИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

БУХОРО. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Ромитан район ме-ханизаторлари сифатли тайёрлан-ган майдонларга баҳорги экинлар экишни кизгин бошлаб юборди-лар. Бу ерда кунига 70-80 гек-тар ерга беда, шунча майдонга дон ва 30-40 гектар ерга эртаги сабзавот уруғи экилмоқда.

Далаларда меҳнат ғайрати кун сайин жўш ўрмоқда. Пешқадам эвеню ва бригадалардан дастлаб-ки галаба рапортлари олиняпти. «Октябрь» 50 йиллиги совхозининг Ж. Тошев бошлиқ бригадаси районда биринчи бўлиб, эртаги сабзавот экиш планини бажарди. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вақти-сида туриб ишлаган коллектив аъзолари барча майдонларда по-мидор, бодиринг, пивз ниҳоллари-ни бир текис ундириб олиш те-радудини кўрмоқдалар.

Район деҳқонлари қулай келган кунларини ганимат билиб икки кун-лик ишни бир кунда, бир трак-тор билан 2-3 тракторнинг иши-ни бажаришга эришмоқдалар. Районда 2200 гектардан ортиқ ер-га беда, 1900 гектар майдонга дон, бир неча юз гектар ерга эртаги сабзавот экилади.

Т. НАЗИРОВ.

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекисто-ни» мухбири). Жарқўрғон рай-он колхоз, совхозлари Сурхон дийрида биринчи бўлиб, 200 гектар майдонга эртаги картош-ка, 210 гектар майдонга эртаги сабзавот — қарам, пивз, помидор, редиска экиш планини оши-риб адо этидилар.

Шунингден, район меҳнат-нашлари беда экишни ҳам Сур-хон водийсида биринчи бўлиб тугалладилар.

А. ХАЛИЛОВ.

РАҲБАР КАДРЛАРИНИНГ ЎҚИШИ

28 мартда Тошкентда пар-тия ва совет кадрларининг қайта тайёрлаш республикаларо курслари тингловчиларининг навбатдаги группасида машгу-лотлар бошланди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон о қишлоқ район партия комитетла-рининг иккинчи секретарла-ри, шунингден шу республика-лар Компартиялари область ва марказий комитетлари таш-килий-партиявий ишлар бўлим-лари ва қишлоқ хўжалиги бу-зилмаларининг институтлари тахда бўлим музйларининг ўринбосарлари ўқишга ки-ришдилар.

Машгулотларнинг биринчи кунлида Ўзбекистон Компартия-си Марказий Комитетининг секретари П. Р. Курбанов тингловчилар ҳузурида сўзла-ди. Сўнгра КПСС ривожлани-шининг қонунийлари ва ком-мунистик қурилишда унинг ро-ли ўсиб бораётганлиги тўғри-сида лекция ўқилди. (ЎзТАГ).

Халқ контроли Саҳифаси

✱ ҲАММАНИНГ ЖОНАЖОН ИШИ ✱ «АТЛАС» ФИРМАСИ
✱ КУН ТАРТИБИДА—ЭКИШ ✱ ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ
✱ БАРАКА—ТЕЖАМДА ✱ ИШЧИ БОНГ УРАДИ

РАССОМ ХАНДАСИ

Оққўрғон районидagi колхоз ва совхозларда яхши парвариш қилинмаётгани сабабли енгилан тут қўчатлари қуриб қолган. Свердлов номи колхозда 28 минг тул, «Ленинбод» колхозда эса ўқатилган 60 минг тул тут қўчатидан 19,5 минг тул қуриб қолган. Натижада бу хўжалиқларнинг ҳар бири 3-4 минг сўмдан зарар кўришди.



— Қўрмаган қўчатнинг жазоси шу.

Задарё районидagi «Коммунист» колхозда парвариш ёмонлиги сабабли 165 бош ситирдан 74 бошгина сўт берилди. Навоий номи колхоз ва «Восток» совхозда моллар ўта орин, Илчи номи колхознинг чорвачилик фермасида эса айрим қўшларга қарашли қўлаб қорамоллар асралмоқда.




— Озуқабон вадалар.

Калинин район хўжалиқларида уруғлик етарли миқдорда жамғарилган эмас. Навоий номи колхозда 220 тонна картошка, 150 килограмм сабзавот ва 200 килограмм полив. 2 «Назарбег» совхозда 110 тонна картошка, 60 килограмм полив ва 100 килограмм сабзавот уруғи етишмайдиган. «Қорасув» совхозда яхши сақланмагани учун уруғликларнинг 15 проценти қуриб кетган.



— Қозонда бори қўнмига чинам, ука, бориға барана деб олиб кетазвергинда.

Свердлов районда техникани енгилга тайёрлаш суръати суст. Оққўрғон номи колхозда плуг, чизел ва сеялкалар даладагидей қоршиб ётди. Калинин номи колхозда тракторлар нўтўғри тансимланган. Турсув Ражауллов каби механизаторлар ҳикматадан трактор биритилганига қалба баян механизаторлар емендаш бўлиб ишлайпти. Колхозга қарашли техниканинг бир қисми ишламай бекор турибди.



— Қўш тракторли тўнис механизатор.

Раёмларни М. Воробейчиков чизган.

ЖАМОАТЧИЛИК—КАТТА КУЧ

ЖОНКУЯРЛАР

Халқ контроли группаси ўтказган текшириш натижасида техника ремонтининг боришини қўнғарди деб топди. Хўжалиқдаги 330 дан ортқ етказмашина, трактор ва бошқа механизмлар текшириш билан аниқлаш шай қилинган. 80 та механизатор аниқ ишга жалб қилинган. Ремонтнинг қонсиз устулда ташкил қилинганлигини суръат ва сифатга таъсир кўрсатмоқда. Механизаторларга меҳнат қилиш ва яхши ҳордиқ чиқариш учун зарур шароит яратиб берилган. Бу ютуқлар колхоз халқ назоратчиларининг иборатли ишлари натижасидир. Халқ контроли группаси техника ремонтини қаттиқ назорат қилиб борапти. Шу сабабли ремонт барвақт бошланди, техник паспортлар тартибга солинди.

К. ВАЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.



Тошкентдаги Октябрь революцияси номи телловоз-вагон ремонт заводининг дизель цехи халқ контроли группаси аъзоларининг иш фаолияти иборатли бўлган. Улар икитисод қилиш ва тежамкорлик, план ва топшириқларнинг бажарилишини, меҳнат интизомига риоя қилишини назорат остига олганлар. Сиз бу суратда цехнинг энг яхши халқ назоратчиларидан А. Побединский, В. Горюнов, Р. Мурзев ва В. Поляковларни қўриб турибсиз.

И. Глазберзон фотоси.

ИБРАТЛИ ИШ

Мерғилондаги «Атлас» фирмаси халқ контроли группаси қорхона коллектив олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга мўносиб ҳисса қўшмоқда. Группа давлат планлари ва топшириқларнинг бажарилишини, ишлаб чиқариш резерварларидан фойдаланиш, эконоимикни мустаҳкамлаш юзасидан қилинаётган ишларни ўз диққат-этиборига олган, тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб турибди, фирма партия комитети ва дирекциясига ўз тақлиф ва тавсияларини киритмоқда.

Утган йили фабрика ва 18 та цех халқ контроли группалари 200 дан ортқ текшириш, қўриқ, рейдлар ўтказишди. Бош ишлаб чиқариш, биринчи тўқув, урчиқ-тайёрлаш, бўяш ва ҳайдаш цехлари, биринчи филиал, бош механик бўлими халқ контроли группаларининг иш фаолияти аниқсана намунали бўлаётди. Бу цех ва бригадаларда турлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши, газлама ишлаб чиқаришни қўлайтириш, унинг сифатини яхшилаш, резерварлардан фойдаланиш, икитисод ва тежамкорлик, меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари халқ назоратчиларининг доимий кузатуvida бўлмоқда. Утган йилнинг ўзиде 828 минг сўмлик 25 тонна асқоза, 3,2 тонна турли қалава, 245 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қилинди. Қорхона маҳсулот ишлаб чиқариш планини ошириб бажарди, пландан ташқари 1 миллион 54 минг сўмлик газлама сотилди.

Халқиявий моддалар ва бўёқларни сақлаш ва сарфлаш юзасидан ўтказилган текшириш пайтида 2580 сўмлик совун, трикотомин, бўёқ, сода ва бошқа моддалар нормадан ортқ тўпланиб қолгани аниқланди. Халқ контроли группаси инженер ва эконоимистлар иштирокда тўқув станоклари учун асос ишлаб чиқаришининг сифатини текширди. Тайёрланмаган асосларнинг яримдан қўли брак бўлгани сабабли қайта тайёрлаш жўнатилаётгани маълум бўлди. Текшириш якуни парток мажлисида муҳокама қилинди, ва ишлаб чиқариш технологиясида рўй бераётган нуқсонларнинг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Халқ контроли группаси ташаббус билан жами 50 минг сўмлик икитисодий фойда берилган 14 та рационализаторлик тақлифлари ишлаб чиқаришга жўри қилинди. Халқ назоратчиларидан Нигматиллаев, Гитман ва Елисеевлар киритган тақлифнинг ўзи 30 минг сўмлик икитисодий фойда келтирди.

Халқ контроли группалари ва постлари қасаба союзи ташкилоти ва «Комсомолец проектор» билан биргаликда иш олиб борапти. Уларнинг фаолияти фирма партия ташкилоти ва маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Текшириш ва рейд якунилари партокда муҳокама қилинади, йиғилишларда ишчи ва хизматчиларга етказилади, қўп тиражи «Мерғилон атласи» газетасида ва жанговар варақаларда ёритилади.

Қорхона халқ контроли группаси ва постлари ишида ютуқлар билан бирга баъзи камчиликлар ҳам содир бўлиб турибди. Айрим цех группалари планларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бормайди. Утган йили фирма 60-УЗ ва 98-УЗ артикулдаги газлама ишлаб чиқариш планини бажармади ва 300 минг метр атласни кам тайёрлади. Меҳнат интизоми бўлиб кетган. Ишга қўнмиб келиш натижасида бир йилда 350 минг станок-соат иш вақти йўқотилган, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи бажарилмапти. Фирма 1971 йилда шартномада кўрсатилган миқдорда маҳсулот етказиб берагани учун 520 минг сўм жазима тўлади.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги фирмани реконструкция қилиш ишга етарли ёрдам кўрсатмапти. Шу мақсад учун ажратилган маблағ тўла ўлаштирилмапти. Қорхона учун ер участкаси ажратиб берилмапти. 1972 йилда қурилиш лозим бўлган икитисод таъдирининг техника қўнғилари шу пайтгача олинган эмас. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида қорхона ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республика халқ контроли комитети Мерғилондаги «Атлас» фирмаси халқ контроли группасининг иш фаолиятини қўриб қўлиб маъқуллади ва унинг иш таъжирбасини кенг оммалаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

«КОММУНА»

Фаргона области колхоз ва совхозлари. «Узсельхозтехника» бирлашмалари устаконаларида қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва сақлаш қандай ташкил этилган? Область ва район халқ контроли комитетлари мутахассислар билан ҳамкорлигида шу юзасидан текшириш ўтказди. Текшириш якунилари бу ишда ютуқлар борлиги, шунингдек жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатди. Айниқса Оқунбобоев, Кува, Фаргона ва Рашттон районлари хўжалиқларида техника ремонт ва уни сақлаш ёмон ахволда. «Узсельхозтехника» Фаргона район бирлашмаси устаконасида 43 та тракторнинг ремонт икитисоддан бери тугатилмаптир. Техника назорати инспекцияси инспекторлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарамоллар. «Коммуна» газетасининг навбатдаги халқ контроли саҳифасида ана шу текшириш якунилари босилган.

ОЁҚ ОСТИДАГИ БОЙЛИК

Барана — тежамда, деб бежиз айтилмаган. Хом ашёни, йиғилган электр энергиясини тежаб-тергаб фойдаланган қорхона коллектив катта манфаат кўради. Заводимизда ҳам тежамсиз минг минг сўмлаб қўнмига даромад келтирадиган материаллар кўп. Ўз номи билан ремонт заводи деб аталган қорхонамида қийинчи материалларни ҳоҳлаганча топиш мумкин. Ҳовийда, йўлда, қатто да оладиган майдонларда ҳам темир-терсак уюм-уюм бўлиб ётибди.

Афсуски, бу ишга бошқоқ бўладиган киши қорхонамида йўқ. На завод директори Н. Цхай ва на бош механик А. Трагулов ишчиларнинг ана шу ҳақда айтган тақлифларини тингламапти. Улар учун завод ишлаб, планлар бажарилиб турса бас. Тежамкорлик ва қўнмига даромадлар билан сира ишлари йўқ.

Ш. ҲАМИДОВ,
Тахиташот ремонт заводининг ишчиси.

ЭКИШГА ТАЙЁРЛИК ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

Ҳа, қаҳратон қиш ҳаддан ташқари қўнмига, экиш мавсумини 15 — 20 кунга кечиктириб юборган, ерга чигит тушадиган қўнларга оз вақт қолган бир шароитда тежамкорлик билан ишлаш керак. Фурсат кутиб турмайди. Ишчи, шундай экан, Самарқанд области колхоз ва совхозларида экишга тайёрлиқ, техникани ишга қўйиш, етарли миқдорда уруғ-ғамлаб қўйиш, ирригация тармоқларини тозалаш, карталарни текислаш, даладагидей минерал ва маҳаллий уғитлар солиш — худлас деҳқон баҳорда қилаётган ишларининг боришини қандай ахволда?

Республика халқ контроли комитети, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газети редакцияларининг халқ назоратчилари, ишчи ва ишлов мухбирлари Хатидан сўнг облаstda экишга тайёрлиқ ишлари жамоатчилик назоратида олинди. Ҳозир жойларда рейд ва текширишлар ўтказилмоқда. Мана, текширишларнинг дастлабки натижаси: Вулунгур районидagi Карл Маркс номи, Хатирчи районидagi «Ўзбекистон», Қўйишев номи, Нарпай районидagi «Коммунизм» «Иттифоқ», Калинин номи колхозларида экиш мавсумига тайёрлиқ авжига. Пастдарғон районидagi «Москва» колхозда механизаторлар бригадаси ташкил этилган, унинг икитисод телема, бир неча автомашиналар, от-авабалар ўнгит ташкилига ва уни далага солишга ажратилган. Ҳар бир бригаданида компост тайёрлаб қўйилган.

Вулунгур, Жомбой, Каттақўрғон районларида сеялкалар, ҳайлов ва қўнғил тракторлари ҳозирлаб қўйилди. Жомбой районидagi Умилбек номи совхоз ва Пуншун номи колхозда экишга тайёрлиқ ва чигит экишни соз ва сифатли ўтказиш мақсадида тадбирлар белгилашиб, амалга оширилмоқда. Халқ назоратчилари бўлим ва бригадаларда ана шу тадбирларнинг бажарилишини қўзғулоқ бўлиб турибди.

Ўтказилган текширишлар пайтида облаstdaги бир қатор колхоз ва совхозларда экишга тайёрлиқ қўнмига, экиш мавсумини 15 — 20 кунга кечиктириб юборган, ерга чигит тушадиган қўнларга оз вақт қолган бир шароитда тежамкорлик билан ишлаш керак. Фурсат кутиб турмайди. Ишчи, шундай экан, Самарқанд области колхоз ва совхозларида экишга тайёрлиқ, техникани ишга қўйиш, етарли миқдорда уруғ-ғамлаб қўйиш, ирригация тармоқларини тозалаш, карталарни текислаш, даладагидей минерал ва маҳаллий уғитлар солиш — худлас деҳқон баҳорда қилаётган ишларининг боришини қандай ахволда?

Райондаги «Октябрь», «Меҳнат—роҳат», Энгельс номи колхозлар, «Янгикент», Свердлов номи совхозларида эҳтиёт қисмлар, аккумуляторлар етиштириш сабабли ремонт ишлари кечиктирилган. Бу колхоз ва совхозларда ремонтнинг механизаторлари зарур шароит яратиб берилмаган.

Уруғликни етарли миқдорда ғамлаб қўйиш экишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш гаровини ўнгит қигит тайёрлаб қўйилди. Бирок Пастдарғон районда эса бунинг ақсини қўриш мумкин. «Йўл» пахта тозалаш заводи 6 минг тоннадан ортқ уруғликни чигит тайёрлаб қўйган. Бирок, район колхозлари шу кунгача 2600 тонна уруғни 200 тонна уруғ тақдир олишган, холос. Ана шу завода қўнми бўлган «Коммунизм», «Ўзбекистон», «Правда» колхозлари ва «Самарқанд» совхозда шу кунгача уруғлик ғамлаб қўйилмаган. Ҳолбуки, ўтган йили «Самарқанд» совхозда мавсумда

уруғлик чигит вақтида етказиб берилмаганлиги сабабли экиш палатиш бўлган, натижада қўнлар тула унинг қишмаган ва ҳар гектар ердаш фақат 17 центнердангина ҳосил етиштирилган эди.

Оқдарё, Каттақўрғон, Иштихон районларидаги бир қатор колхозларда ирригация шохобчалари сув келишига тайёрлаб қўйилмаган, маҳаллий ўнгит тўплаш ва уни далага ташиб чиқариш суст бормоқда. Оқдарё районда ўнгит жамғариш 50 процент қилиб бажарилиди. «Гулистон», «Янгилбод», «Коммунизм» колхозларида тўпланган ўнгитнинг миқдори бундан ҳам оз. Рейд ўтказилган кун Каттақўрғон районидagi «Правда» колхозда колхоз раиси Алзам Рустамов ва бош агроном Усмон Бозоров кун бўйи далада бўлмади.

Каттақўрғон районидagi бошқа колхоз ва совхозларда ҳам экишга тайёрлиқ қўнмида ана шундай сустлашлик бўлмоқда. Баҳорнинг ҳар бир кунга, ҳар бир соати деҳқон учун ғанимат. Шундай экан, Самарқанд облаstda баҳорги экишга тайёрлиқ ишларида рўй бераётган жиддий нуқсонлар ва камчиликлар тезда тугатилиш лозим.

Рейд аъзолари: К. ОҚЎЛАТОВ, О. РАҲМАТОВ Иштихон район «Колхоз ҳаёти» газетасининг ходимлари, А. СЕНЧЕНКО Самарқанд облаstda халқ контроли комитетининг инспектори, Н. ОТАҚУЛОВ Пастдарғон районидagi «Москва» колхоз халқ контроли группаси раиси, М. ЭШИМБОВЕВ Иштихон район ишлов мухбири, Т. КАРИМОВ «Ленин йўли» газетасининг ходими, Л. ЭРҒАШЕВ «Совет Ўзбекистони» мухбири.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Область халқ контроли комитети 24-қурилиш трестига қарашли 3 ва 32-қўнми механизациялашган колонналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини муҳокама қилди. 32-қўнми механизациялашган колоннада ўтган йили 88,5 минг сўм зарар кўрилган эди. Парралдачилик фабрикасида қурилишда ўтказилган текширишда бу ерда ҳам 35 минг сўмлик маблағ ўлаштирилгани маълум бўлди. Колоннада маъмурий-хўжалик ходимларига қўнми характердаги иш учун, нормадагидан 10 минг сўмдан ортқ иш ҳақи берилган.

3-қўнми механизациялашган колоннада ҳам ахвол ана шундай. Бу ерда иш сифати паст. Қурилиш чала бажарилигани учун ўтган йили фойдаланишга топширилган Хўжабод мансий кизмат комбинати нормал ишламапти. Материал ва маблағларни ўлаштириш ва қисбодан чиқариш қарашли содир бўлиб турибди.

Область халқ контроли комитети йўл қўйилган ана шу камчиликлар учун 32-қўнми механизациялашган колонна бошлиғи Ҳамроқуллова аниқ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

вор эълон қилди. Шу қўнми колоннанинг собиқ бошлиғи Қосиенкодан давлатга етказилган зарарнинг бир қисмини ундириб олишга қарор қилинди.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Бухоро район халқ назоратчилари колхозларда қишлоқ хўжалиги учун ажратилган маблағлардан қандай фойдаланилаётганини текширишди. «Пактанор» колхозда колхозчиларга тўланадиган иш ҳақидан 16 минг сўмлик маблағ йўлларни асфальтлаш учун берилган. Хўжалиқда шунингдек, колхозчиларнинг иш ҳақидан электр энергияси ва намойиш қилинган кинофильмлар учун ҳам ҳақ тўланмоқда. Карл Маркс номи колхозда электр энергияси учун 17 минг сўм, кинофильмлар намойиш қилинган учун 13 минг сўм, «Ленинград» колхозда эса ана шу тадбирлар учун 28 минг сўм берилган. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ўтган йили йил давомида қишлоқ хўжалиқга алоқаси бўлмаган чет ташкилотларга 40 минг сўмлик техникани сотиб юборган.

Район халқ контроли комитети ишда рўй бераётган ана шу камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилади, жавобгар шахсларни жазоледи, маблағлардан фойдаланишни қаттиқ назорат қилиб боришни халқ контроли группалари зиммасига топширди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

12-қурилиш трестига қарашли Икитисолаштирилган қўнми колоннада қўнми характердаги ишлар учун 30 процент ортқча иш ҳақи тўлаш

КАШҚАДАРЕ ОБЛАСТИ

Область халқ контроли комитети ўтказган текширишда область телефон-алоқа уснуналари энс-

плутацияси ва алоқа қурилиш-монтаж бошқармасида молия интизоми қўпол тарзда бузилаётгани маълум бўлди. Алоқа қурилиш-монтаж бошқармаси тузган смета асосида 10 километр узунликдаги Деҳқонбод — Окредоб телефон линиясини капитал ремонт қилиш учун 11 минг 721 сўм ажратилган эди. Бирок Сафаров раҳбарлиги қилган икитисод линия участисида 2,5 километр узунликдаги телефон линиясини ремонт қилиб, қолган 7,5 километр линия учун сохта ҳужжат расмийлаштирди. Бажарилмаган иш учун 1500 сўм иш ҳақи тўланди. Шунинг 376 сўмини Сафаров олди.

Линия участкасидаги бу жиноий ишлар область телефон-алоқа уснуналари инспекциясида ва алоқа қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбарларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётганини оқибатда содир бўлган. Қўзғовмачилик ва давлат мулкни талон-торож қилгани учун линия участкаси бошлиғи Сафаров жазмат вазифасидан олиб ташланди. Область халқ контроли комитети жавобгар шахслардан давлатга етказилган зарарнинг бир қисмини ундириб олишга қарор қилди.

